ШАНБА ОҚШОМИДА

ШАНБА ОҚШОМИДА

# Юрак меҳрга талпинади

Яқинда институтда бирга ўқиган дугонамни учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Жуда қийналиб кетдим, — деди у куйиниб. — Рўзғор ташвишлари, болалар тарбияси, иш. Ҳаммаси ҳам майли-я, баъзи кишиларнинг майда гап-сўзлари-ю, таъқибкор кўзларидан жуда бездим.

Дугонам эрининг енгилтаклиги, ичкиликка ружу қўйганлиги туфайли, уйдаги жанжал-тўполонлар соғлиғи, болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатганидан кейин ажралишга мажбур бўлган. Табиатан босиқ, ориятли бўлгани учун ҳаётида юз берган бу кўнгилсизликдан эсанкираб қолмади. Аксинча, бутун меҳр-муҳаббатини фарзандларига бағишлади, уларни яхши инсон қилиб тарбиялашга ҳаракат қилди. Бироқ, уни куйинтирган бошқа нарса: арзимаган гап учун қўшни аёлнинг таънаси, тўғрироғи эридан ажрашганлигини юзига солгани, унинг ҳаётини билмай, ноўрин ҳақорат қилгани экан. Дугонамга тасалли бердиму, ўйлаб қолдим.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда муросаси келишмай, турли сабаблар билан ажралишиб кетаётган оилалар сони ортиб бормоқда. Айниқса, ҳар томонлама баркамол аёллар ноқобил, виждонсиз эр томонидан хўрланиб, оила бузилса ҳам, гўдакларини бағрига босиб турмуш қийинчиликларини чидам билан енгиб келаётганининг гувоҳиман. Минг афсуски, эл орасида эрдан ажралишган аёлларга қандайдир бошқача назар билан қарайдиганлар бор. Айрим енгилтак, болаларини етимхоналарга топшириб, кўнгилнинг кўчасига кириб кетаётганлар бундан истисно.

Нега энди ёлғиз аёл ўзига хиёл оро берса, уни гап-сўз қилиш керак? Таниш эркак ёки қариндоши билан кўчада сўзлашса, кино, театрга тушса дарров ёмон отлиққа чиқариш инсофданми? Бундай аёллар таънага эмас, ёрдамга ташна-ку, ахир! Вақти келса, эри топиб-тутиб келган нарсалардан мазалироқ овқат пишириб қўёлмайдиган уй бекалари ҳам борлиги сир эмас-ку. Нега бутун бир оиланинг юкини кўтариб, ҳам моддий, ҳам маънавий таъминлаб келаётган аёл ўринсиз таъна-дашномларни эшитиши, хўрланиши керак? Одам ғийбат гаплардан ўзини баландроқ тутиши керак, дейишингиз мумкин. Тўғри, лекин асаблар ҳар доим ҳам дош беравермайди-да.

Бундай майда-чуйда гаплар аввало ҳеч қаерда ишламай, эрининг топганини еб, ўзига ҳаддан ташқари оро бериб юрган, аксарият савияси паст хотин-қизлардан чиқади. Лекин атрофида маданиятли, зукко аёллар ҳам бор-ку. Майда гап, ўринсиз таъналар тарқатаётганларни тартибга чақириб қўйиш, тушунтириш наҳот мумкин бўлмаса? Мумкин! Афсуски, лоқайдликдан халос бўлиш қийин бўлаяпти.

Ҳозир жамиятимизда янгиланиш, покланиш даври. Бу ҳаммага тегишли. Келинг, ҳар биримиз ўз хулқ-атворимиз, атрофдагиларга бўлган муносабатимизга чуқурроқ назар ташлайлик. Сезгирроқ, меҳрибонроқ бўлайлик, Бағритошлик, такаббурлик бизга ярашмайди. Дилларга озор эмас, ором берайлик, азиз аёллар!

Муаттар АСҚАРОВА.

# Янгича яшашга ўрганайлик

Сиз нима дейсиз?




Баҳри ая ошнинг хоми сиғадиган сумкага сабзи, пиёз, гуруч, шишада ёғ, конфет ва бир кийимлик мато солиб қўйди. Холодильникни очиб қараса гўшт кечки овқатга лойиқ қолган экан. Ҳа, майли, гўштнинг пулини бериб қўя қоларман, деган қарорга келди. Синглисининг қудаси невара кўрибди. Баҳри ая бугун шуни йўқламоқчи. Ошнинг хомини олиб бормаса уят бўлади. Ҳали кета туриб йўлдан 10 та ёпган нон ҳам олиши керак. Бундай зил-замбил сумкани қандай олиб боради? Баҳри аянинг юраги сиқилди, ошнинг хомини ким ўйлаб топган ўзи, бошқа шаҳарларда ҳам шу одат бормикин, деган гап хаёлига келди.

Кейинги пайтда маросимларга тоғорада нарса олиб боришни йўқотиш ҳақида кўп фикрлар билдирилди. Баъзи маҳаллаларда бу амалга ошди ҳам. Лекин вақт ўтиши билан яна унутилаётганга ўхшайди. «Фалончининг келини туғибди», «Фалончи касалхонадан тузалиб чиқибди...». Шунга ўхшаш хабарларни эшитган аёллар дарҳол ош хомининг ҳаракатига тушиб қолишяпти. Улар тугун кўтаришдан чарчаб кетишди, ахир!

Ҳозир ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз тўкин-сочин. Шундай тўкчилик замонда тугун ёки сумка кўтариб бориш шартмикин? Менимча хонадон эгалари шу озгина сабзи-пиёз, гуручга зор эмас. Илгари бошқа гап эди: аёлларнинг кўпчилиги ишламай, уйда ўтирар, бўш вақти кўп эди. Шунинг учун бўлса керак, дарров тоғора кўтариб, йўқловга кетаверишарди. Баъзан 3—4 жойдан ош келиб, увол бўлиб, қолиб кетарди ҳам. Кейинчалик осон бўлсин деб ошнинг хомига ўтишди. Ҳозирги кунда хотин-қизлар давлат иши билан банд. Ишдан чарчаб келиб, ёки дам олиш кунлари тиқилинч транспортда тугун кўтариб юриш ўзларига ҳам, атрофдагиларга ҳам ёқмай қолди. Айниқса ёш болали аёлларга қийин. Йўқлов қилмасангиз, одамгарчиликдан чиқиб кетсангиз... Унда нима қилиш керак?

Ҳозирги даврда ҳар жабҳада янгича яшашга ўтяпмиз. Биз аёллар ҳам ўз ҳаёт тарзимизни қайта қуришимиз, уни эскириб қолган ортиқча одатлардан халос этишимиз зарур. Ҳар биримиз бўш вақтда меҳмондорчиликка боргимиз, қариндош-уруғларни йўқлагимиз, дам олгимиз келади. Шундай пайтда ош хоми ўрнига хонадонга керакли бирор совға ёки ширинлик олиб борган яхши эмасми. Ўзингиз бир тасаввур қилинг: агар йиғинга 20—30 аёл тўпланса, сўзсиз уй эгаси ташвишга тушиб қолади. «Ош хоми келган ҳар бир сумкага камида 12 тадан нон солишим керак, барчасига етармикан?», деб хавотирга тушиши табиий. Аёлларни кутиш мунча қийин? Тугун-терсакларни саранжомлаб, улар билан хайр-хўш қилгунча кун ботади-я!

Ҳурматли дугоналар, опа-сингиллар! Келинг, ош хомидан, эскириб қолган урф-одатдан батамом воз кечайлик. Кекса оналаримиз ҳам бу фикрга қўшилишса ажаб эмас. Менимча, маҳалла ва меҳнат коллективларидаги хотин-қизлар Советлари ана шу масала билан жиддий шуғулланса яхши бўларди. Чунки анъаналаримиз замонамиздек кўркам бўлиши лозим.

Маъфират ОРИФЖОНОВА.

Сўраган эдингиз...

# Автобуслардан кимлар бепул фойдаланади?

**Х. СОБИРОВ, С. ҲАКИМОВ: Биз яқинда қарилик пенсиясига чиқдик. Ҳозир шаҳар ичида ва ташқарисига қатнайдиган автобуслардан кимлар бепул фойдаланадилар? Шу тўғрида батафсилроқ тушунча берсангиз.**

— Амалдаги қоидага кўра СССР Олий Совети депутатлари СССР территориясидаги барча автомобиль йўлларида, шаҳар пассажир транспортининг барча турларидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланадилар.

Иттифоқдош республикалар ва автоном республикалар Олий Советларининг ҳамда маҳаллий Советларнинг депутатлари тегишли иттифоқдош, автоном республика, ўлка, область, район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Совети территориясидаги республикага бўйсунувчи автомобиль транспортларидан ва шаҳар пассажир транспортининг барча турларидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланадилар.

Халқ депутатлари Советининг шаҳарлараро ва шаҳардан ташқарига қатновчи автобусларда бепул юришлари автовокзаллар кассалари, автостанциялар, транспорт-экспедиция агентликлари кассаларида ўриндиқлари кўрсатилган билетлар берилиши орқали амалга оширилади. Агар тўхталадиган пунктларда кассалар бўлмаса автобусдан бепул фойдаланиш депутатлик гувоҳномасини ҳайдовчи ёки кондукторларга кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, «Ватан ва СССР Қуролли Кучларига қилган хизматлари учун» ордени, учала даражали жанговар, Шуҳрат ёки Меҳнат Шуҳрати орденлари билан тақдирланганлар шаҳар ичида қатнайдиган автобуслардан, қишлоқ жойларида район территориясида қатнайдиган автобуслардан бепул фойдаланадилар. Шунингдек, улар йилда бир марта (бориш ва келиш) шаҳарлараро қатнайдиган автобуслардан бепул фойдаланадилар.

Қишлоқ жойларда яшаб, шаҳардан ташқарига ёки шаҳарлараро қатнайдиган автобусларда ўқишга ёки уйларига борадиган бошланғич тўлиқсиз ўрта ва ўрта умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатлар ўқувчиларидан автобусда бориш ёки келиш учун йўл харажатлари олинмайди.

Кўзи ожиз инвалидлар учун шаҳар ичида, шаҳардан ташқарига қатнайдиган район доирасида алоқа қилувчи автобусларда юриш бепулдир.

Форма кийимларидаги милиция ходимлари (шу жумладан милиция мактаби курсантлари), шунингдек, оддий ва раҳбар составдаги милицияда ишловчи кишилар (форма кийган ҳолда) шаҳар ичидаги ва шаҳардан ташқари, қишлоқ жойларида область ичида қатнайдиган автобуслардан ҳақ тўламасдан фойдаланадилар.

Бепул автобус хизматидан фойдаланувчилар рўйхатига қуйидагилар ҳам киради: ҳайдовчилар ва автобусларнинг кондукторлари — шаҳар ичидаги ва шаҳардан ташқарида ҳаракат қилувчи автобусларда;

суд ижрочилари — шаҳар ичидаги ва шаҳардан ташқарида ҳаракат қилувчи автобусларда, қишлоқ жойларда эса — хизмат қилинаётган район доирасидаги шаҳарлараро автобусларда;

почтальонлар — шаҳар ичидаги ва ўз участкалари доирасида шаҳардан ташқари қатнайдиган автобусларда;

Улуғ Ватан урушининг ҳамма инвалидлари — шаҳар ичида ва ташқарига қатнайдиган автобусларда, шунингдек қишлоқ жойларида умумфойдаланадиган автомобиль транспортидан (таксидан ташқари) яшаш жойларидаги маъмурий район доирасида;

қўл ва оёқлари йўқ инвалидлар — шаҳар ичида қатнайдиган автобуслардан;

прокуратура органлари терговчилари — шаҳар ичида қатнайдиган автобуслардан;

Иттифоқ ва республика аҳамиятидаги шахсий пенсионерлар — турар жойларидаги шаҳар ичида қатнайдиган автобуслардан, қишлоқ жойларида эса район ичида қатнайдиган автобуслардан халқ депутатлари шаҳар, район Советлари томонидан берилган ҳужжатларга кўра, шунингдек йилига бир маротаба бориш ва келишга (темир йўли йўқ) районларда қатнайдиган шаҳарлараро автобуслардан бепул фойдаланадилар;

Улуғ Октябрь Социалистик революцияси ва гражданлар уруши қатнашчилари — шахсий пенсионерлар (тегишли ҳужжат билан) шаҳардан ташқари қатнайдиган автобуслардан;

дружиначилар — шаҳар ичидаги автобуслардан штабда навбатчилик қилаётган пайтларида;

йўл органлари ходимлари министрликлар тасдиқлаган рўйхатга кўра улар хизмат қилаётган йўл участкалари доирасида автомобиль транспортидан бепул фойдаланадилар.

Абдужалил ҲАСАНОВ,
юрисконсульт.

Жамият ва қонун

# Тилсиз гувоҳлар таржимони



Ҳодиса юз берган жойга биринчи қадамни улар босишади. Чунки жиноятчи қанчалик пихини ёрган бўлмасин, ўзидан қандайдир «дастхат» қолдириши турган гап. Фақат тилсиз гувоҳни илғаш, арзимасдай туюлган нарсадан мантиқан мақбул хулоса чиқариш эксперт-криминалистнинг уқувига боғлиқ.

Армия сафидан қайтган Маъмур Эрматов ўзининг ўрнини юрт тинчлигини сақлаётганлар сафида деб билди.

У 1985 йили СССР Ички ишлар министрлигининг Волгограддаги олий тергов мактабини тугаллаб, Ўрта Осиё транспорти ички ишлар бошқармасида иш бошлади.

Биринчи куни уни эшигидаги сурғучи бузилган вагон кутиб олди. Қулфбузар қўлқоп билан ишлаган. Ичкаридаги тартибсиз сочилган қутилардан наф йўқ. Шунда у ўзини ўғри ўрнига қўйди. Вагондан сакраб тушаётганда мункиб кетиб, электр линия устунига урилаёзди. Тунда вагондан сакраган киши... Дарҳақиқат, силлиққина бетон устундан лупа ёрдамида кўзга яққол ташланиб турган бармоқ излари топилди. У илгари икки марта судланган шахсга тегишли экани аниқланди.

Орадан уч йил ўтгач, қобилиятли экспертни республика ички ишлар министрлигининг эксперт криминалистика бўлимига ўтказишди. Бу ерда ёш мутахассис яна бир мактаб сабоғини олди. Неча йиллик тажрибалар қаймоғини ўзлаштирган Юрий Петрович Мардонов, Борис Генрихович Сегаль, Нина Ивановна Плужникова сингари касбининг усталари кўмагида малакасини янада оширди. Бугун у қалбаки ҳужжатларни фош қилиш, дастхатни ажратиш бўйича етук мутахассислардан бири.

Яқинда унга Тошкент халқ хўжалиги, автомобиль транспорти ва йўллари институтларини битирганлик тўғрисидаги қалбаки дипломларни аниқлаш топширилди.

— Ҳаммамизни ҳайрон қолдиргани шундаки, — дейди эксперт-криминалист, — шубҳаланаётган диплом ҳақиқийсидан нафислиги билан ажралиб турарди. Бу билан мен нима демоқчиман. Бугун бизга ниҳоятда туллак жиноятчилар билан иш кўришга тўғри келмоқда. Ҳадемай, қалбаки диплом ясовчилар устидан суд бошланади. Унда биз чиқарган хулосалар аниқ далил-ҳужжат вазифасини ўтайди.

— Маъмуржон, инсон қилаётган ишидан кўнгли тўлиши керак...

— Биз терговчилар билан тилсиз гувоҳлар ўртасида таржимон бўлишимиз керак. Анчагина меҳнатинг сингиб бунга эришсанг, чарчоқ не эканлигини ҳам унутиб қўясан. Ишга ҳам қўлинг бораверади.

Республика Ички ишлар министрлигининг эксперт-криминалистика бўлими ходими, милиция катта лейтенанти Маъмур Эрматов касбига сидқидилдан меҳр қўйган. Ана шу меҳр ёш мутахассисни турмуш уқубатларини енгиб, бурчини кўнгилдагидек ўташига ёрдам бермоқда.

Ғайрат БОЛТАБОЕВ,

**Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази ходими, милиция капитани, СССР Журналистлар союзи аъзоси.**



# Юз ёшингиз муборак!

Юз ёш. Бир асрлик умр. Айтишгагина осон. Хадича буви Ҳасанова бу йиллар ичида не-не қийинчиликларни кўрмади, не-не воқеаларнинг шоҳиди бўлмади, дейсиз.

Акмал Икромов район Абдулла Қодирий номли маҳалла Зафарий кўча 4-проезд 9-уйда бир неча кун бурун Хадича бувининг ўғил-қизлари, набиралари ва эвара-чевaралари тўпланишди. Улар ҳурматли онахонни юз йиллик юбилейлари билан муборакбод этгани келишганди. Ўша куни бу хонадондан хурсандчилик, тантана аримади.

Бу шодиёнада қўни-қўшнилар ва ёр-биродарлар ҳам иштирок этишди.

Ҳа, Хадича буви нафақат шу хонадоннинг, балки шаҳримизнинг, қолаверса халқимизнинг фахридирлар. Улар босиб ўтган ҳаёт йўли ҳар биримизга ибрат бўлмоғи даркор. Онахон ўз ҳаётларидан мамнунлар. Ахир ўғил-қиз, невара-чевaралари ўқимишли, халққа фойдаси тегадиган кишилар бўлиб етишишди. Она учун бундан ортиқ бахт борми дунёда!

Равшан БОБОЕВ.

СУРАТДА: Хадича буви Ҳасанова невара-чевaралари билан.

Х. Шодиев фотоси.

Гиёҳвандлик—социал иллат

# Сариқ аждар доми

Қора дори хумори тутиб, кўзи косасидан чиқиб кетадиган бўлганда у киссавурлик қиларди. Кейинроқ бу касбини йиғиштириб қўйди. 5—10 сўмни деб, юрак ҳовучлаб юрадими, ўмарганга яраша мўмайроқ бўлгани маъқул.

Ўйлаб-ўйлаб Павел Лахов машина ўғирлашга қарор қилди. Уни бўлак-бўлакларга ажратиб пулласа бўлади. Бироқ, бир ўзига қийин-да, шерик топиш керак. Қарангки, хўжалик ҳисобидаги ремонт-қурилиш бошқармаси автокранчиси Владимир Попов таклифига осонгина кўна қолди.

— Ишни пухта қилиш лозим, — деди Павел. — Мен касалхонага ётаман. Кечаси келишилган соатда каравотимдаги кўрпа остига бирон бир буюмни тиқиб, у ердан чиқиб келаман. Ҳамширалар мени бурканиб ухлаб ётибди, деб ўйлашсин. Биз эса ўша пайтда гараждаги машинани парча-парча қилиб ташлаётган бўламиз. Сен уларни эртаси куни чайқовда пуллайсан. Хўш, қалай?

Бу фикр Володяга ёқиб тушди. Шу куниёқ Павел касалхонага ётди. У «даволанган» февраль-апрель ойлари давомида ўнга яқин машина бўлакларга бўлиниб, сув қилиб юборилди.

Чунончи, биринчи бўлиб «Марказ—4» кварталида яшовчи Насриддинованинг машинаси олиб қочилди. У Тошкентнинг Отчопар кўчасидаги хилватда парчаланиб, Попов томонидан эҳтиёт қисмлар бозорига чиқарилди. Шундан кейин Бицоп, Мельник, Исроилов ва бошқаларнинг «Жигули»лари гумдон қилинди. 55 сўмлик аккумуляторлар 20—25 сўмдан, дискалар, сальник, капот, клапан, ойна, фонарь, ғилоф, рул, ғилдирак ва ҳатто машина кулдонларигача арзон-гаровга сотиб юборилаверди. Харидорлардан Качевский, Абдураимов, Миронов, Черемухинлар эҳтиёт қисмлар нега сувдек текинлигини суриштириб ўтиришмади.

Қинғир ишнинг қийиғи чиқди. Минг-минглаб сўмни қора дори ва нашага гум қилган Павел:

— Мен ўғирламадим, бу шеригимнинг иши. Ўшанда мен касалхонада бетоб ётган эдим, — дея ўзини оқламоқчи бўлди. Аммо ишончли далилларни рад эта олмади.

Республикамизда кўкнор экиш мутлақо тақиқлаб, қўйилганлиги маълум. Шундай экан, қора дори чайқовда тағин қаердан пайдо бўляпти?

Гиёҳвандчилик туфайли ўғирлик йўлига кирган, олти марта судланган ашаддий жиноятчи Александр Турсунов фаолияти бу саволга жавоб бериши мумкин. 38 ёшга кириб, ҳеч қаерда ишламай, умрининг салкам йигирма йилини қамоқда ўтказган Саша 1983 йилнинг 11 апрелида озодликка чиқиб, яна эгри йўлга кириб кетди. Энди у ўзи туғилиб ўсган Чоржўйда яшай олмаслигини яхши биларди. Шунинг учун қаландарона ҳаёт тарзини танлади.

Колхоз ва совхозлардаги яширин кўкнорифурушлардан шу заҳарни харид қилиб, у қўшни республикаларнинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқди, жумладан, Урганч, Дарғонота, Тошовуз, Мўйноқ, Тўрткўлда ўзининг даҳшатли тамғаси — тарякхўрларни қолдириб кетди. Тошкентда ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ушланди. Александр Азимовдан пулга чаққанда салкам 500 сўмлик қора дорини мусодара қилишди.

Ашаддий жиноятчи А. Азимовнинг борадиган жойику маълум. Биз одамларга мурожаат қилиб, шаҳар ва қишлоқларни кезиб, заҳар-заққум уруғини сочиб юрганлардан эҳтиёт бўлинг, демоқчимиз.

...Бу тўполонга наша сабаб бўлди. Сергей билан Владимирнинг қўлидаги салкам чорак килограмм наша ҳаммасига айбдор. Одатда бангилар, чумчуқ «пир» этса — юраги «шир» этадиган кишилар тоифасидан бўлғуси эди. Аммо Сергей наша чекдими, оддий сичқондан мушукка, мушукдан арслонга айланиб қолганини ўзи ҳам сезмасди. Кандирнинг шу қуруқ чўпи ҳали 35 га ҳам тўлмаган бу тошкентлик йигитни не-не куйларга солмади, дейсиз? Наша деб одамларнинг чўнтагига тушди, бировларнинг уйини ўмарди. Қўлга олиниб озодликдан маҳрум этилди. Агар, икки карра саккиз ўн олти бўлса, демак, умрининг нақ ярмини у ахлоқ тузатиш лагерларида ўтказибди.

Жазо муддатини ўташ жараёнида уни шу афюндан даволашган эди. Бироқ, 1985 йилда озодликка чиқдию, наша тутуни яна хумор қилиб қолди. Хўш, чекса нима қипти? 11-механизациялашган кўчма колоннада туппа-тузук ишлаб юрувди, топиш-тутиши жойида, терғайдиган хотини, хархаша қиладиган ўғил-қизи йўқ. Умуман, уйланиш ҳақида ўйлаган ҳам эмас.

Шу кўчма колоннада у ўзига ўхшаган иродасиз, нашавандлиги учун қамалиб чиққан Владимир Яковлев билан танишиб қолди. Қизарган кўзлар, суви сирқиган сузма халтадай шалвираган башарани кўриб, Владимир дабдурустдан сўради:

— Хонимдан борми?

— Қанақа хоним? — Сергей ўзини тушунмаганга олди. — Мен аёлларни ёқтирмайман.

— Анашхон борми, деб сўраяпман!

— Э, шунақа демайсанми? — Сергей олазарак бўлиб атрофга қаради. — Қимматроқда!

— Келишамиз. Аннушкани жуда соғинганман!

Бангилар нашани эркалаб «Анашхон», «Онахон», «Анюта», «Аннушка» деб аташар экан. Сергей Караблин билан Владимир Яковлев ўртасидаги можаро ҳам бир зумлик кайфу сафодан кейин бошланганди.

Шу куни Сергей бетоблигини баҳона қилиб, ишни тарк этди, орадан ярим соат вақт ўтмай, Владимир ҳам унинг орқасидан Горький проспектидаги 62-уй, 19-квартирага кириб борди. Бу ерда Сергей истиқомат қиларди.

Икки гиёҳванд майдаланиб, «Беломор» папиросига тиқилган нашани хуморлари тарқалгунча роса сўришди. Мана, ниҳоят қизарган кўзларда учқун алангалана бошлади, шалвираган юзлар асл ҳолига қайтди, худди телбалар сингари ҳар иккови ҳам бўлар-бўлмасга хахолаб кула бошлашди. Қийқириб рақсга тушишди, овозларини баралла қўйиб ашула айтишди. Қучоқлашиб ўпишишди. Сўнгра, бир мисқоли аллақанча пул турадиган нашани ўзаро арра қилишди.

Яна тутун бурқситиб кўчага чиқишди. Чўнтакни қоқ-қуруқ қилиб бўлса-да, шунча катта «ўлжа»ни қўлга киритганидан завқланиб бораётган Владимир «Светлана» магазини олдига келганда:

— Менга қара, Сергей, «Аннушка»ларимизнинг семизлигини тарозида бир тортиб кўрмаймизми? — деб қолди.

— Нимага?

— Шунчаки, кўнгил учун...

Магазин ичидаги контроль торози шайнига тикилиб Сергей кўзининг пахтаси чиқиб кетай деди. Унинг назарида улфатининг нашаси бир грамм ортиққа ўхшаб кўринди, аммо аламини ичига ютди. «Белорусь» магазини олдига етганида эса барибир сабри чидамади.

— Сеники ошиқ экан, — деди Сергей шеригига ўкрайиб, — кел, ўшани бирга чекамиз.

— Қўйсанг-чи, текинга бердингми менга? Ҳар граммига неча ойлик маошимнинг ҳаммасини қуртдай санаб олдинг. Бор энди, йўлингдан қолма!

Бу гап Сергейга шундай таъсир қилдики, нашадан жунбишга келган вужуди титраб, муштлари беихтиёр тугилди, бир уриб Владимирни ағанатди. Гандираклаб ўрнидан турган Володя ҳам бўш келмади. Хуллас, яқиндагина оғиз-бурун ўпишиб турган нашаванд улфатлар бир-бирларининг оғиз-бурунларини бир зумда қора қон қилишди. Агар дружиначилар вақтида етиб келишмаганида, серқатнов кўчадаги бу текин томоша анчагача давом этарди.

Ички ишлар бўлимида бангилар «бойлиги» мусодара қилинди. Яна Сергейнинг уйидан чайқовдаги нархга кўра салкам икки минг сўмлик таряк ҳам топилди.

Сариқ аждар домига тушиш осону, ундан қутулиш ғоят мушкул. Бир лаҳзалик кайфу-сафо учун инсонлик қиёфасини йўқотиш мумкинлигини яна бир эслатиш мақсадида ушбу жирканч воқеаларни қаламга олдик.

Абдулла НУРИМОВ,
Тўхтамурод ТОШЕВ.

Турфа олам



### ҒАРОЙИБ ТОМОША

Америкалик Лунс Делер цирк аренасида... қурбақаларни ютиш билан тирикчилик учун пул топади.

Томошанинг дастлабки уч соати мобайнида у бир неча литр сув ичади, сўнгра ҳайратда қолган томошабинларнинг кўз ўнгида бирин-кетин ўнта яшил қурбақаларни ютади. Аммо орадан йигирма минут ўтгач Делер қайт қилиб, сув билан бирга қурбақаларни ҳам тириклигича чиқариб ташлайди. Шундан сўнг артист қурбақаларни ҳотиржам сувли бочкага йиғади — чунки улар кейинги томошада яна асқотиб қоладида.

### УЙҚУ ВА ТАФАККУР

Мириқиб ухлаш — равшан, ижодий фикр юритишнинг мажбурий шартидир. Лофбор университети уйқу проблемаларини тадқиқ этиш лабораториясининг директори Жеймс Хорн ана шундай хулосага келди.

Ўтказилган тажрибалар натижасида у арзимаган миқдорда кам ухлаш ҳам мия фаолиятидаги жиддий ўзгаришларга олиб келишини аниқлади. Ишни ҳеч ўйламай «автомат» тарзида бажариш одатининг, унга кўнгилга теккан мажбурият деб қарашнинг асосий сабаблари ҳам ана шунда экан.

Хорн эрталабки соатларда рўй берган йирик аварияларнинг, шу жумладан «Три-майл-Айленд» атом электр станциясидаги ва «Чэллен-жер» билан боғлиқ фожиаларнинг сабабини уйқусизлик билан боғлайди. «Ҳар икки ҳолда ҳам қарор қабул қилганлар тиниқиб ухлашмаган, шу сабабли вазиятни тўғри баҳолай олмаган бўлишлари мумкин», — деб тасдиқлайди у.

Тажрибаларда 24 киши — 15 аёл ва 9 нафар эркак иштирок этган. Уларнинг тиниқиб ухлагандан сўнг ва уйқусизликдан сўнг қабул қилган қарорларининг оригиналлиги ва мантиқан тўғрилиги тадқиқ этилган. Кам ухлаганда одамларнинг фикр юритиш қобилиятининг кескин пасайиши аниқланган.

### СЕМИЗ КЕЛИНЛАРНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

26 ёшли британиялик диетолог Жули Армстронг ўз олдига ниҳоятда мушкул вазифани қўйди. У маҳаллий аҳолини ортиқча вазн кераксиз юк эканлигига ишонтириш учун эри билан бирга Тинч океаннинг жанубий-ғарбидаги бир неча оролларни эгалловчи Тонга Қироллигига жўнаб кетишга қарор қилди.

«Мейл он Санди» газетасининг эътироф этишига қараганда, Жулининг ўз ниятига эришишига деярлик умид йўқ. Гап шундаки, планетамизнинг энг семиз кишилари бўлмиш Қиролликнинг аҳолиси озиш у ёқда турсин, аксинча ўз вазнлари билан фахрланишади, «одам нақадар семиз бўлса шунчалик чиройли бўлади» деган принципга амал қилишади.

Мамлакат қироли Тауфа' Ахау Тупоу IV уларнинг диди талабларига тўла жавоб беради, унинг вазни 145 килограммни ташкил этади. Аммо у бу вазни билан маҳаллий рекордчилар қаторига кириши амри маҳол. «Мейл он Санди»нинг эътироф этишига қараганда, турмушга чиқишга интилаётган Тонга қизларининг вазни 130 килограммдан кам бўлса, куёвлар уларга ҳатто эътибор ҳам қилмайдилар.

Шунга қарамай Жули Армстронг ортиқча семизлик келтириб чиқарувчи хасталиклар — юқори босим, юрак-қон томир ва диабет хасталиклари туфайли мўлжалдагидан ўртача ўн йил олдин ҳаётдан кўз юмаётган Қироллик аҳолисининг урф-одатларини ўзгартиришга қатъий аҳд қилган.



